



НОРАСМИЙ ВА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ





Кузатилмайдиган иқтисодиёт доимий статистик кузатувларда тўлиқ ёки қисман қамраб олинмаган, шунингдек статистик кўрсаткичларда акс эттиришда билвосита усуллар орқали баҳоланадиган иқтисодий фаолият турларидан иборат.

Норасмий иқтисодиёт – бу уй хўжаликлари ёки жисмоний шахслар томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш фаолияти.

Юридик шахс мақомига эга эмас,
бухгалтерия ҳисоби
юритилмайди

Ишлаб чиқариш даст
даражада ташкил этилади,
кичик кўламларда фаолият
юритади

Норасмий иқтисодиётнинг асосий хусусиятлари

Меҳнат муносабатлари
расмийлаштирилмайди, шахсий
алоқаларга асосланади.

Давлат бошқаруви органларида
рўйхатдан ўтмайди,
шартномалар тузмай
олди-сотди қилади

Рўйхатдан ўтмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, савдо, транспорт, таълим, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар).

Ўз эҳтиёжи учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи уй хўжаликлари (қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қурилиш ишларини бажариш).

Яширин иқтисодиёт – бу қонунчиликда рухсат берилган иқтисодий фаолиятни қисман ёки тўлиқ давлат бошқаруви органларидан атайлаб яширган ҳолда амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар фаолияти.

Яширин иқтисодиёт юзага келиш омиллари

Ижтимоий суғурта бадалларини тўлашдан қочиш

Солиқларни тўлашдан қочиш

Айрим ҳуқуқий меъёрларнинг бузилишини яшириш

Муайян маъмурий тартибларни бажармаслик

Ишлаб чиқариш технологияси стандартларига риоя этмаслик

Давлат бошқаруви органларида **рўйхатдан ўтган** ва ҳисоботларида фаолиятини (даромадларини ва бошқа кўрсаткичларини) тўлиқ ёки қисман яшириб кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар (юридик шахслар) фаолияти.

Давлат бошқаруви органларида умуман **рўйхатдан ўтмаган** ҳамда ҳисоботлар тақдим этмайдиган, ишлаб чиқариш жараёнлари нисбатан юқори даражада ташкил этилган ва нисбатан йирик кўламларда фаолият юритадиган корхоналар фаолияти.



Ноқонуний (криминал) иқтисодиёт – бу қонун билан таъқиқланган ёки ваколатга эга бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилганда жиноий жавобгарликка олиб келадиган фаолият турлари.

Ноқонуний (криминал)
иқтисодий фаолият
турлари



Кўпгина хорижий давлатлар тажрибасида ноқонуний (криминал) иқтисодиётни статистик баҳолаш ишлари амалга оширилмайди ва у ЯИМ таркибига киритилмайди.

МДҲ мамлакатлари



Европа мамлакатлари



Бошқа ривожланган мамлакатлар



Манба:
Халқаро валюта
жамғармаси

КУЗАТИЛМАЙДИГАН ИҚТИСОДИЁТ

НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЁТ

Норасмий иқтисодиёт ҳажмини статистик баҳолаш йўлга қўйилган. Статистика агентлиги томонидан Статистика дастури доирасида иқтисодиёт тармоқлари бўйича жисмоний шахслар ишлаб чиқариш фаолиятининг махсус кузатувларини ўтказиш асосида амалга оширилади.


ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ

Яширин иқтисодиёт ҳажмини статистик баҳолаш йўлга қўйилмаган. Статистика агентлиги томонидан халқаро ташкилотлар тавсиялари ва хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш асосида **яширин иқтисодиётни статистик баҳолаш ишлари амалга оширилди.**


НОҚОНУНИЙ (КРИМИНАЛ) ИҚТИСОДИЁТ


Ўзбекистон шароитида ноқонуний (жиноий) фаолият кўлами иқтисодиётдаги талаб ва таклиф даражасига, шунингдек асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар – иқтисодий ўсиш, бандлик, инфляцияга таъсири аҳамиятсиз даражада кичиклиги сабабли **ноқонуний (криминал) иқтисодиётни статистик баҳолашга зарурат йўқ деб ҳисобланади.**


АМАЛГА ОШИРИЛГАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР НАТИЖАСИДА КУЗАТИЛМАЙДИГАН ИҚТИСОДИЁТ УЛУШИНИНГ ЎЗГАРИШИ (2023 йил учун % да)





АМАЛГА ОШИРИЛГАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР НАТИЖАСИДА КУЗАТИЛМАЙДИГАН ИҚТИСОДИЁТ ҲАЖМИНИНГ ЎЗГАРИШИ (2023 йил учун трлн сўмда)






















ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ҲУЗУРИДАГИ СТАТИСТИКА АГЕНТЛИГИ

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!